

**“Киберўғрилик” ва
“Киберфирибгарлик”
жиноятларнинг олдини олишда
фуқароларга
ЭСЛАТМА**

“Киберўғрилик” ва “Киберфирибгарлик” жиноятларнинг олдини олишда фуқароларга эслатма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. Тошкент. 2026-й. – 13 бет.

Мазкур эслатма фуқароларга “Киберўғрилик” ва “Киберфирибгарлик” жиноятларнинг олдини олишда қонунчиликда белгиланган кафолат ва имтиёзларни билиши, улардан кундалик ҳаётда фойдаланиш ва қўллаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ХАВФИ	7
1.1. Кибержиноятлар нима ва улар нега хавfli?	
1.2. Киберўғрилиқ ва киберфирибгарлик: тушунча ва фарқлар.	
1.3. Фуқаролар энг кўп дуч келаётган ҳолатлар.	
II БОБ. КИБЕРЎҒРИЛИК ВА КИБЕРФИРИБГАРЛИКНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ	9
2.1. Банк карталари ва электрон тўловлар билан боғлиқ жиноятлар.	
2.2. Интернет ва ижтимоий тармоқларда учрайдиган фирибгарлик усуллари.	
2.3. Қўнғироқ, SMS ва мессенжерлар орқали алдаш усуллари.	
III БОБ. ҚОНУНЧИЛИҚДА КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ОИД МЕЪЁРЛАР	10
3.1. Жиноят кодексида ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятлар.....	11
3.2. Шахсга доир маълумотлар ва электрон тўловларни ҳимоя қилишга оид қонунлар.....	12
3.3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	13
IV БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР	11
4.1. Шахсий маълумотлар ва банк карталарини ҳимоя қилиш қоидалари.....	14
4.2. Интернет ва ижтимоий тармоқлардан хавфсиз фойдаланиш	
4.3. Киберҳужумларнинг олдини олиш бўйича кундалик одатлар	
V БОБ. КИБЕРЖИНОЯТ ҚУРБONI БЎЛГАН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲАРАКАТЛАР	12
5.1. Биринчи навбатда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар.	
5.2. Банк ва тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш тартиби.	
5.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза бериш.	
VI БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАР	13
6.1. Кибержиноятлар учун белгиланган жавобгарлик чоралари.	
6.2. Жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазолар.	

КИРИШ

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ахборот технологиялари ва интернетдан фойдаланиш кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди. Бироқ рақамли муҳитнинг кенгайиши билан бирга киберўғрилик ва киберфирибгарлик жиноятлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Фуқароларнинг шахсий маълумотлари, банк карталари, электрон тўлов воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини ноқонуний эгаллаб олиш ҳолатлари жамият учун жиддий хавф туғдирмоқда. Айниқса, интернет орқали амалга оширилаётган фирибгарлик усулларида аҳолини хабардор қилиш ва уларнинг олдини олиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунга кўра, киберўғрилик ва киберфирибгарлик жиноятларининг олдини олиш, фуқароларнинг рақамли муҳитдаги ҳуқуқий онги ва ахборот хавфсизлиги маданиятини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қўлланма фуқароларни кибержиноятлардан ҳимоя қилиш, интернет ва ахборот технологияларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар бериш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилди.

КИБЕРЎҒРИЛИК” ВА “КИБЕРФИРИБГАРЛИК” ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг
Жиноят Кодекси



Ўзбекистон Республикасининг
“Киберхавфсизлик тўғрисида” ги Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга
доир маълумотлар тўғрисида” ги Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг “Электрон
рақамли имзо тўғрисида” ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Электрон
тижорат тўғрисидаги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг “Ахборот
технологиялари ёрдамида содир
этиладиган жиноятларга қарши
курашиш фаолиятини янада
кучайтиришга қаратилган чора-
тадбирлар тўғрисида”ги Қарори



Кибержиноятлар ва уларнинг хавфи

Интернет ва электрон қурилмалар орқали содир этиладиган жиноятлар:



- банк карта маълумотларини
- парол ва SMS-кодларни
- пул маблағларини

ЯШИРИНЧА ҲИРЛАШ



- алдаш
- ишончни суиистеъмол қилиш
- сохта қўнғироқ ёки сайтлар

НОҚОНУНИЙ ЭГАЛЛАШ

! БУНДАЙ ЖИНОЯТЛАРДА



моддий зарар етказилади;



шахсий маълумотлар ошкор бўлади;



фуқаронинг хавфсизлигига таҳдид юзага келади.



ФИРИБГАРЛАР ҚАНДАЙ ГАПИРАДИ?



“Мен банк ходимиман”



“Картангиз блокланди”



“SMS-кодни айтинг”



“Сиз совға ютиб олдингиз”



“Арзон товар, охирги!”



“Ҳаволани очинг”



ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

Бу гапларни айтган шахс — ФИРИБГАРДИР!

Киберўғриликнинг энг кўп учрайдиган турлари

Банк карталари билан боғлиқ киберўғрилик:

Банк картаси реквизитларини ноқонуний қўлга киритиш орқали фуқаронинг ҳисобидан пул маблағларини ечиб олиш.



Электрон ҳисоблардан рухсатсиз фойдаланиш:

Мобил банк, электрон ҳамён ёки тўлов иловаларига ноқонуний кириб, молиявий операцияларни амалга ошириш.



Зарарли дастурлар орқали киберўғрилик:

Вирус, шпион дастур ёки бошқа зарарли иловалар ёрдамида қурилмаларга кириб, маълумотлар ёки маблағларни ўғирлаш.





Киберфирибгарликнинг асосий турлари:

Ўзини бошқа шахс сифатида кўрсатиш

Фирибгарлар ўзини банк, тўлов тизими, алоқа компанияси ёки давлат органи ходими деб таништириб, фуқароларни ишонтиришга уринади.



Фишинг ҳаволалар: Банк ёки тўлов тизимларига ўхшаш сохта сайтларга олиб борадиган ҳаволалар юборилади.



Психологик босим ўтказиш орқали алдаш

Фуқароларни шошилиш қарор қабул қилишга мажбурлаш, қўрқитиш ёки тез фойда ваъда қилиш орқали ишонтиришга уринади.



Киберўғрилик ва киберфирибгарликдан ҳимояланиш бўйича амалий тавсиялар



Шахсий маълумотларни ҳимоя қилинг!

Паспорт маълумотлари, банк карта
рақами, парол ва SMS-кодларни ҳеч
кимга берманг!

Номаълум ҳаволаларни очманг!

SMS, мессенжер ёки ижтимоий тармоқлар
орқали келган шубҳали ҳаволаларни босманг.



Паролларни тез-тез янгилаб тулинг!

Бир хил паролни бир неча сайтда
ишлатманг.



Кибержиноят қурбони бўлган ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар

Шубҳали шахс билан алоқани тўхтатинг! Фирибгар билан қўнғироқ қилишни, ёзишмаларни дарҳол тўхтатинг. Қайта жавоб берманг.



Банкка мурожаат қилинг! Агар карта ёки ҳисоб рақамингизга зарар етган бўлса, банкка қўнғироқ қилиб, картани блоклатинг.

Ички ишлар органларига мурожаат қилинг! Ҳодиса бўйича тегишли органларга ариза беринг. Барча ҳолатларни тушунарли қилиб ёзинг.





Кибержиноятлар учун жавобгарлик ва ҳуқуқий оқибатлар

Интернет орқали содир этиладиган ўғрилик ва фирибгарликлар қонун билан тақиқланган жиноятлар ҳисобланади. Бундай қилмишларни содир этган шахслар қонун олдида жавоб беради.

Кибержиноятларга қуйидаги ҳаракатлар киради:

- бошқа шахсларнинг банк картасидан ноқонуний равишда пул ечиб олиш;
- шахсий маълумотларни (парол, карта маълумотлари, аккаунтлар) қўлга киритиш;
- интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали алдаш йўли билан пул ёки мулкый манфаат олиш;
- электрон аккаунтларни бузиб кириш ва улардан фойдаланиш.



Мазкур жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- ✓ жарима солиш;
- ✓ муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш;
- ✓ мажбурий ёки ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш;
- ✓ белгиланган муддатга озодликдан маҳрум қилиш.

